



ЁШЛАР — КЕЛАЖАК ВОРИСЛАРИ

Вилоят ҳокимлиги кичик мажлислар залида "Ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда" Камолот ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ўрни" мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Анжуман "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши томонидан ташкил этилди. Иштирокчилар мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб мамлакатимиз раҳбари ёшларга бекбас ҳаётнинг ва эътибор қаратиб келаётганини таъкидлашди. Уларнинг таълим олиши, касб таълими учун барча имкониятлар замон талаблари

даражасида яратиб берилмоқда. Асосий эътибор маънавий-ахлоқий тарбия, вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятчиликнинг сабаблари, уларни бартараф этиш йўллари қаратилди.

Айрим маҳаллалар ёшлар билан ишлаш комиссияларининг фаолияти сустан бораётгани кўрсатиб ўтилди.

Шоира ОХУНЖОНОВА.

МАКТАБГА ХАЛҚАРО СЕРТИФИКАТ

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг халқаро болалар жамғармаси мамунали таълим муассасаларини тақдирлаш учун турли мукофотларни таъсис этган.

"Болага дўстона муносабатдаги мактаб" учун бериладиган мукофотга Республикадаги қатор педагогик жамоалар сазовор бўлишган.

Бу сафар Ангрен шаҳридаги 12-мактаб шундай фойдаловчи бўлиб қолди.

Жамғарма сертификатини топшириш маросимига мазкур б.д.м. даргоҳида ўқувчи-ёшлар билан педагоглар ўртасида қарор топган дўстона алоқаларнинг ижобий натижалари алоҳида эътироф этилди.

ЭҲТИЁЖГА БИНОАН

Қишлоқ инфратузилмасининг малакали мутахассислар билан таъминлаш шу куннинг долзарб масалаларидан бирига айланган. Шу боис "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида бу вазифа билан боғлиқ муҳим тадбирлар белгиланди.

Тошкент ирригация ва мелiorация институтда бу борада янги таълимий тизим ишлаб чиқилди. Унга кўра, "Фермер хўжалиқларида муҳандислик тизими", "Ирригация ва мелiorация машиналари ҳамда уларни жиҳозлаш" йўналишларида кадрлар тайёрлашга киришилди. Янги 2009-2010 ўқув йили учун мазкур ихтисосликлар бўйича абитуриентлар ўқишга қабул қилинапти.

ТАЖРИБА ИЖОБИЙ БАҲОЛАНДИ

Тошкент туманидаги мактабгача таълим муассасаларида олиб борилаётган ибратли ишлар ўз натижасини бермоқда.

Бу ерда ҳозир 18 та болалар боғчаси фаолият кўрсатиб, уларда 1260 нафар жамми ўқувчилар тарбияланмоқда. Болаларни ёшлардан турли фанларга қизиқтириш мақсадида ушатирилган ўқув-машғулоти самараси ўларок, қатор янги услубий қўланмалар яратилди. Хусусан, "Биз математика фанини севамли" деб номланган қўланма вилоятимиз бўйича оммалаштирилмоқда. Мактабгача тарбия муассасалари бўйича ўтказилган вилоят анжуманида туманда амалга оширилаётган бу каби ибратли ишлар ижобий баҳоланди.

Акбар АЛИЕВ.

СИФАТИ ХОРИЖНИКИДАН КАМ ЭМАС

Пойтахтимизда фаолият юритаётган "Zenith Electronics" қўша корхонасида 50 минггача кондиционер ишлаб чиқарилади. Шу муносабат билан "Интерконтиненталь" меҳмонхонасида ташкил этилган матбуот анжуманида "Ўзлехсанот" таркибидagi мазкур салоҳиятли корхонанинг бугунги фаолияти ва янги лойиҳалари хусусида сўз борди.

Эътироф этиш жоизки, корхона сифатли маиший техника ишлаб чиқаришда ўзига хос нуфузга эгалаб олган. Бу борада 2004 йилдан бери Жанубий Кореянинг машҳур "LG Electronics" компанияси билан қилинаётган ҳамкорлик қўл келмоқда. Хусусан, кейинги йиллар заводда киноскопи, суяқ кристалл ва плазмали телевизорлар,

маиший совутигичлар ва DVD плеерлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Анжуманда таъкидланганидек, бугун "Zenith Electronics" қўша корхонаси линияларида ишлаб чиқарилаётган буюмлар инновациялар ва сифати бўйича Жанубий Корея ва бошқа техника саноати илгор мамлакатларда тайёрланаётган маҳсулотлардан қолишмайди.

Боиси, корхона ишлаб чиқариш технологияси бўйича барча талабларга қатъий риоя қилади ва маҳсулот сифатида катта эътибор қаратади.

Қувонарли жиҳати, корхона 2004 йилдан буён 265 минггача яқин 18 русумдаги рангли телевизор, 4 русумдаги 6 мингдан ортиқ DVD ва 5 русумдаги 50 минг дона совутигич ишлаб чиқаришга эришди. Ишлаб чиқариш ҳажми йилма-йил кенгайиб бораётгани корхона маҳсулотлари харидорларини тезда топиб олаётганини тезда тасдиқлади. Келгуси лойиҳаларга кўра замонавий кир ювиш машиналарини ишлаб чиқариш ўзлаштирилмоқда.

Ўз мухбиримиз.

МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Мамлакатимизда аҳоли ўртасида бандлик даражасини ошириш, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада жойларда ўтказилаётган бўш иш ўринлари ярмаркалари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ангрен шаҳар бандлик-ка кўмаклашиш маркази томонидан аҳолини иш билан таъминлаш ҳамда ижтимоий муҳофаза қилиш борасида қатор ишлар амалга оширилаётган. Хусусан, касб-хунар коллежларини битирган ёшларни ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида бир неча бор

бўш иш ўринлари ярмаркалари ташкил этилди.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, халқ таълими, ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармалари ҳамкорлигида ташкил этилган навбатдаги ярмаркада эллика яқин корхона ва ташкилот беш юздан зиёд бўш иш ўринлари билан қатнашди. Унда иштирок этган уч юз нафардан ортиқ талабгор

ишга йўлланма олди. — Ярмаркада кўнглимдаги ишни топдим, — дейди Ангрен шаҳар кимёсаноат касб-хунар коллежи битирувчиси З. Усмонов. — Шаҳримиздаги "Ўзбек-кумир" очик акциядорлик жамиятида ишлайдиган бўлдим.

Шаҳар бандлик-ка кўмаклашиш марказидан олинган маълумотга кўра, жорий йилда бундай меҳнат ярмаркаларида юздан ортиқ корхона ва ташкилот мингдан зиёд бўш иш ўринларини тақдир этган ва 900 нафарга яқин фуқаро ишга жойлашган.

Л. СУВОНОВ,
ЎЗА мухбири.

ОБУНА КАМПАНИЯСИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида даврий нашрларга 2010 йил учун обуна кампаниясининг бошланишига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон алоқа ва ахборот-лаштириш агентлиги вакиллари, мамлакатимиз бозорида даврий нашрларни тарқатиш билан шуғулланувчи икки йирик компания — "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компанияси ва "Ўзбекистон почтаси" очик акциядорлик жамияти раҳбарлари ҳамда газета ва журналлар тахририятлари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компанияси бош директори С. Набибидинов ва "Ўзбекистон почтаси" очик акциядорлик жамияти бош директори Р. Қосимов 2009 йил 20 июлдан "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компаниясининг барча дўконлари ва "Ўзбекистон почтаси" очик акциядорлик жамиятининг почта алоқа бўлимлари, обуна қабул қилиш шохчаларида даврий нашрларга 2010 йил учун обуна кампанияси бошланишини маълум қилдилар. Обуна кампаниясини ўтказиш "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компанияси ва "Ўзбекистон почтаси" очик акциядорлик жамиятининг турли номадаги газета

ва журналлар киририлган каталоглари бўйича амалга оширилади. Обуна каталогларида фойдаланувчилар эътиборига 400 номдан ортиқ газета ва журнал, китоблар, солиқ ва бухгалтерия бўйича амалий қўланмалар тақдим этилди. Даврий нашрларни марказлашган тарзда ташиш, тарқатиш ва вилоятларга етказиш тарифларининг 2009 йилги даражада сақланиши бу йилги обуна кампаниясининг муҳим жиҳатларидандир.

Каталогларда ижтимоий аҳамиятга молик республика газеталари ва болалар даврий нашрларига имтиёзлар кўзда тутилган. Даврий нашрларга уларнинг етказиб берилмаслиги шарт билан пасайтирилган нархларда обуна бўлиш мумкин, обуначилар уларни матбуот дўконлари, почта бўлими, почта алоқа бўлимидаги абонент кутиларидан олишади. Бундан ташқари фол обуначилар ва жамоатчилик асосида даврий нашрлар тарқатувчиларни моддий рағбатлантириш тизими ишлаб чиқилган.

В. НИКОЛАЕВ,
ЎЗА мухбири.



Балиқчилик:

ЭПЛАГАНГА — ХАЗИНА

Бирок, ҳар қандай янгилик муаммоларга дуч келиши, ўзига йўл очилиш қийин келиши табиий хол. Хуллас, у бўлди-бу бўлди, янги тармоқ ҳадеганда ривожлана қолмади. Жамоа хўжалиги ширкатга айлантирилган ҳам янги тармоққа муносабат ўзгармади. Пулат Жўраевнинг елиб-югуришларидан иш чиқмади. Мутасадди раҳбарлар астойдил қайишмагач, оддий ҳодимнинг илоҳи қанча. Хуллас, қўл унда бошланган иш тўхтади, балиқчилик масаласи ҳам унутилди.

Лексин, П. Жўраев зое кетган меҳнатини унутмаган экан. 2007 йилга келиб, "Ўзбекистон" ширкат хўжалиги тугатилиб, унинг негизда фермер хўжалиқлари ташкил этила бошлангандан фойдаланиб, ташланмақ сув ҳавзаларида балиқчилик фермер хўжалигини тузиш таклифи билан қилди ва ниятига етди. 16,1 гектарли ўша майдон унга расмийлаштириб берилди. Собик ширкатнинг эгаси, ташландиқ балиқ хўжалиги

ўрнида бугунги кун талабида фермер хўжалиги ташкил топди.

Гапнинг бугунги фермернинг ўзидан эшитасан:

— Еримиз 16 гектардан ортиқ-у, лекин балиқ боқилган ҳавзалар икки гектардан ошмайди. Ширкат пайтида иккитагина ҳавза барпо этилган. Биз ҳар йили биттадан қўшиб, тўрттага етказдик.

2007 йил апрелда иккита ҳавзага 60 килограмм увилдирик ташлаб, фаолиятимизни бошлаганимиз. 2008 йили 620 килограмм балиқ етиштириб олдик. Бу — биринчи маҳсулотимиз. Соф фойдаимиз айтишга арзаймади — 1,4 миллион сўм. Бу йил камда икки баравар кўпайтириш ниятидамыз. Шу мақсадда 100 килограмм увилдирик ташлаб, парвариш қилаёلمиз.

Бир қарашда, балиқчилик осон ишдек кўринади. Аммо, бир товۇкка ҳам дон, ҳам сув керак деганларидек, балиқ боқилишнинг ўзига яраша ташвишлари кўп. Масалан, мак-

кажҳори, бугдой, арпа каби донларнинг одамлар истеъмол учун ярамаллигидан чиқитлари аралашмасидан иборат 10 тоннадан кўпроқ омухта ем керак бўлади. Шулардан маккажҳорини ўзимиз экиб, парваришлар, донини оламиз. Қолганини атрофдаги дон корхоналаридан харид қилиб, омухта емни ўзимиз тайёрлаймиз.

Шунча ишни бор-йўғи беш киши — ўғилларим Ҳалимжон, Шерали, Дилшод, қизим Дилфаруз ва ўзим бажараялми, десам айримлар ишонмаслиги мумкин. Лекин оғиринг устои енгилнинг остида юрти бозор иқтисодиёти шароитига тўғри келмайди. Одамни алдаш мумкин, бироқ табиий тамойилларни айланиб ўтишининг сира иложи йўқ. Шунда ҳам уринсангиз жабрини аввало ўзингиз тортасиз. Шундай экан, сабр-бардош, ақл-идрок билан иш қилган маъқул. Айниқса, балиқчилик — меҳнати аста-секин рўёбга чиқадиغان соҳа. Бу йил 240 килограмм ба-

ликини савдога чиқардик. Бу бошланиши. Хозирча етиштирилган балиқимизни ўзимизнинг дўконимизда сотаялми. Бу йил 2,5 гектарда яна иккита ҳавза барпо этиб, уч кишини ишга қабул қиламиз. Янги йўл минтақавий балиқчилик бўлими билан увилдирик масаласида келишувимиз бор. Кейинги йиллардан бошлаб етиштирилган зогорабалиқ, дўнгешона ва оқамур балиқларини буюртмачиларга шартнома асосида етказиб бериш имкониятига эга бўламиз.

СУРАТДА: (ўнган) балиқчилик фермер хўжалиги раҳбари Пулат Жўраев ва Охангарон минтақавий табиати муҳофаза қилиш қўмитаси раиси Олимжон Арзиев балиқ боқилаётган ҳавзаларнинг ҳолатини кўздан кечиришмоқда. Даврон АХМД олган сурат.

Бир мактуб узидан

Шикоятга нақ 72 фуқаро имзо чеккани бизни шошириб қўйди. Биз, "ахвол жиддийга ўхшайди-ку" дея дарҳол туманга отландик. Маҳаллий мутасаддиларнинг айтишича, ҳақиқатдан ҳам бир ойдан бери нафакат "Ўзбекистон" маҳалласида, балки Бўзсув қишлоғининг "Дехқонобод", "Ўлукбек", "Наврўз", "Янгиобод", "Янги турмуш", "Гулистон", "Янги ҳаёт", "Маданият", "Ботир" маҳаллаларида, шунингдек Туркистон қишлоғининг "Бобур", "Тарнов", "Ойбек", "Дўстлик" ҳамда "Балиқчи" маҳаллаларида сув таъминоти узилган. Туманга ичимлик суви Қўйичирчиқ туманидаги ВУ-1 иншоотидан диаметри 1000 миллиметрли қувурлар орқали келади. Бу иншоотдан икки боқичида Бўзсув ҳудудига жойлашган ВУ-3 иншоотида сув келиб, шу ердан туман ҳудудига тарқалади. Сув сатҳи кўтарилиб кетиши натижасида қувурларнинг 120 метр қисмини босим суриб кетган. Авария оқибатида туманга кириб келаётган сув таъминоти тўхтаган.

— Сув оқими қувурларни суриб кетгани нафакат туман, балки вилоят раҳбарларини ҳам ҳушёр торттирди, — деди "Тошвилсувоқова" очик акциядорлик жамиятига қарашли "ВУ-1" туманлараро ишлаб чиқариш шўба корхонаси раҳбари Тохир Мухамедов. — Бу бўйича вилоят ҳокимлиги бошчилигида тегишли ташкилот ва бошқармаларнинг раҳбарлари билан биргаликда махсус комиссия тузилди. Ишлаб чиқилган чора-тадбирлар дастури асосида кенг қўламдаги ишлар олиб боришмоқда. Шу кунгача қувурларнинг ярми таъмирланиб бўлибди. Бу катта маблағ ва кўп меҳнат талаб этапти. Санокли кунлардан кейин аҳоли яна ичимлик сувидан баҳраманд бўла бошлайди.

Дарвоқе, бу борада туман ҳокимлиги ҳам қўл қовуштириб ўтирган йўқ. 2009 йил 8 июлда туман ҳокимининг "Туман аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш борасида юзага келган ҳолатни бартараф этиш тўғрисида" ги махсус фармойиши чиққан. Унга асосан, туманининг Бўзсув ҳамда Туркистон ҳудудлари аҳолисини суви равишида ичимлик суви билан таъминлаш учун туманининг "Хайрия ва ҳудудни ривожлантириш фонди" маблағи ҳисобидан қўшимча сув ташкил транспортлари жалб этилган. Транспортлар жадвал асосида белгиланган манзилларга сув

қўйилган қозонга бири-бирига тўғрилаб, қалбаки ксерокс нусхасини тайёрлаган экан. Е. Санникова ўйлаб топган бу усулни эшитиб, ёқамизни ушладик.

— Мен бу шикоят хатини энди кўриб турибман, — деди Амир Темур кўчаси, 84-уйда яшовчи Шарифа Дадақўзиёева. — Елена уйимга келавериб, қўл қўйиб бер, маҳаллада сув таъминоти яхши бўлади, деб жуда безор қилганди. Кейин умуман бошқа

лан таъминлаб турибди. Корхона ўз ҳисобидан аҳоли учун қулай бўлган жойда 8 та қант ўрнатган. Бу ҳам сув танқислигининг олдини олишда анча ёрдам берди.

Демак, шикоят хатида, одамлар сув ахтариб сарсон бўлаётгани, улар сувсиз жуда қийналиб кетганлиги тўғрисида келтирилган жумлалар ўринсиз, назаримизда. — Тўғри, бир ойдан бери маҳалламизда сув йўқ, — деди Амир Темур кўчаси, 86-уйда яшовчи

ламада ювилган, киришмига рухсат берилади. Шу сабаб бизга нисбатан билдирилган бундай эътироз бутунлай ноўрин.

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида кимга дардимизни айтилик. Зангиота тумани ҳокимлигидаги шароитимиздан хабардор, лекин улардан ҳеч қандай натижа йўқ. Хатто, биз ёзма равишда ариза билан болалар боғчасини мукаммал таъмирлаб, ишга тушириб беришни сўраганимизда, ҳокимиятдагилар ариза-мизни қўл қўйиб олган бўлсаларда, уни йўқотиб қўйиб, бизга ҳеч қандай жавоб беришмади" деган жумлалар билан шикоятга ақун ясалган. Тўғри, шу йили Елена Санникова "ташабууси" билан туман ҳокимига болалар боғчасини таъмирлаб беришни сўраб ариза ёзилган. Лекин бу аризага тез кунда жавоб берилган. Жавобда болалар боғчаси "Ўзбекистон" паррандачилик фабрикаси ҳисобида туриши, у корхонанинг мулки ҳисоблангани, ушбу масала бўйича айнан корхона раҳбариятига мурожаат қилиниши зарурлиги ҳақида айтилди.

Маълум бўлишича, "Ўзбекистон" ҳиссадорлик жамияти балансидаги мазкур болалар боғчаси кўп йиллардан бери қаровсиз ётган. Уни таъмирлаб, ишга туширишга корхонанинг қўриб етмаган. Натижада боғча аста-секин талон-торож бўла бошлаган. Аниқроғи, одамлар боғчанинг гиштини, ромини, борингни, қўлга иланидиган нарсасини гўмд қиливеришган. Нихоят, корхона раҳбарияти бу ҳолатга узи-қилиб чек қўйди. Корхонада ишлайдиган, уй-жой масаласида қийналган ҳодимларга боғчадан жой қилиб берди. Бу ҳар томонлама фойдали бўлди: ҳам болалар боғчаси сақланиб қолган, ҳам ишчилар вақтинча уй-жойга эга бўлишди. Ҳозир бу ерда 8 оила яшайпти.

Бизни шошириб қўйган, зудлик билан йўлга қорлаган, кўп имзоли шикоят билан боғлиқ бор гап шу...

Хурида НАЗАРОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ ЙЎЛИДА

Йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш инсонлар хавфсизлиги ва ҳаёти билан боғлиқ ўта муҳим масалалардан ҳисобланади. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 2 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини бериш, ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида" ги қарори ҳам мана шу мақсадга йўналтирилган.

"Ватанпарвар" ташкилоти ўртақчилик туман кенгашида бўлиб ўтган семинар ушбу қарор ижросига бағишланди. "Ватанпарвар" ташкилоти вилоят кенгаши ва туманлараро рўйхатлаш ва имтиҳонлаш бўлими ҳамкорлида ташкил этган тадбирда Оққўрғон, Қориқчилик, Паркент ва Ўртақчилик туманлари "Ватанпарвар" ташкилотлари туман кенгашидаги раислари, ўқув-спорт-техника клублари бошқаруви, ўқитувчилари ва амалий машқ усталари иштирок этдилар.

Тадбир иштирокчилари мезбонларнинг ўқув моддий базаси билан танишилди ва ўзаро тажриба алмашдилар.

Малакали ҳайдовчи-мутахассислар тайёрлаш, ўқув-машғулоти сифатини ошириш, ўқув автоуловларининг техник назоратини қўлайлаштириш мақсадида бундай семинарни ҳар чоракда ўтказишга келишиб олинди.

Маммуржон
БОЗОРАЛИЕВ.

ШИКОЯТДАН МУДАО НИМА?

етказиб бермоқда. Бу ишларни назорат қилиш туман коммунал фойдаланиш бошқармаси зиммасига юклатилган.

— Сув таъминоти узилгани ҳамда сув таъмин келинаётгани учун ишимиз жуда кўпайган, — деди туман санитария-эпидемиология назорати маркази раҳбари Матлуба Олимова. — Ташкил келинаётган сувни мунтазам равишда жиддий текширялми. Чунки аҳолининг соғлиғи биз учун жуда муҳим. Ҳозиргача ҳеч қандай ўтқир юқумли, ошқозон-ичак касалликлари аниқланмади. Ёш болаларнинг ҳеч бири сув йўқлигидан битлаб кетмаган.

Бизга шикоят хатини маҳаллаларнинг "Ўзбекистон" кўчаси, 1-уй, 4-хонадонда яшовчи Елена Санникова ёзиб, жўнатганини айтишди. Энг қизиғи шундаки, аҳоли билан гаплашганимизда, улар газетга жўнатилган шикоят хатини биринчи марта кўришаётганини, бунга қўл қўйишганини айтишди. Елена Санникова умуман бошқа нарсани рўқан қилиб, маҳалладагиларга қўл қўйдирилган экан. Кейин шикоят хатини кимгадир ўзбекчада ёздириб, қўл

қозонга қўл қўйдириб олди. Шикоятдаги бошқа масалаларни айтмагани. Қандай қилиб бу шикоятга имзоим топиб қолганига ҳайронман.

Бунини эшитиб, очиги қулишни ҳам, қуйишни ҳам билмай қолдик. Шундай бўлсада, биз шикоятда келтирилган масалаларни ойдинлаштириб олиш учун "Ўзбекистон" маҳалласида бўлдик. Бунини қарангиз, 5 дақиқа аввал уйда бўлган Елена Санникова қаергадир чиқиб кетибди. Унинг келишини кўп кутдик. Лекин ундан дарак бўлмади. Қўнчаклик билан айтишларича, бу ҳолат биринчи марта бўлмаётган экан. Яқинда бу аёл "Ёшлар" телеканалининг "Давр" кўрсатувига ҳам худди шундай шикоят хати ёзган экан. Ўшанда телевидениедан журналистлар келиб, уни топишолмади. Шикоят ҳам ноўрин деб топилибди.

"Ўзбекистон" маҳалласига махсус авторанспортлар суви дамида. Ўшанда телевидениедан журналистлар келиб, уни топишолмади. Шикоят ҳам ноўрин деб топилибди.

Шахноза Умарқулова. — Лекин биз нима учун сув йўқлигини тушуниб етдик. Аҳолининг бонг урадиган даражада ёмон эмас. Шундай шароитда ҳам ўзимиз учун имкон топялми. Ўзгина сабр қилсак, яқинда хонадонимиздаги жўмрақлардан яна сув оқа бошлайди.

Шикоятда "Ўзбекистон" паррандачилик фабрикасига ҳам эътироз билдирилган. Эмишқи, "корхона ўз маблағини кўпайтириш билан овора". Корхонадан чиқарилаётган оқава дезинфекция қилинмаганлиги сабабли бутун атрофни пашша босган, аҳоли яна шундай шароитда сувсиз, пашшаларга қўйилиб яшаётганмиш.

Биз бу масала билан қизиқиб, корхонада бўлдик.

— Корхонамиздан чиқаётган чикиндилар ҳар икки кунда дезинфекция қилиниб, зарарсизлан-тирилади, — деди корхона раҳбари Эркин Сайдалиев. — Бизда истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ишчи санитария-гигиени ҳолатига, озодаликка жиддий эътибор берилади. Корхонамизга келаётган ҳар бир транспорт воситаси махсус со-

DONOLAR DEYDIKI...

**Yulduzxon
FAZLIDDINOVA
tayyorladi.**

САЁҚ ЮРГАН...

Таниқли мусаввир Пабло Пикассонинг тулиқ исми-шарифи ҳаммагаям маълум эмас. У Пабло Диего Хосе Франциско де Паула Хуан Непомукено Кристин Кристиано де ла Сантисима Тринидад Руиз Пикассо бўлиб, 92 ҳарфдан таркиб топган.

Файзулла АБДУЛЛАЕВ
тайёрлади.

Бекажон

КАРАМ' САЛАТИ

Масалликлар:
800 гр. карам, 100 гр. қизил сабзи, 50 гр. ўсимлик ёғи, 100 гр. кўк пиёз ва таъбга кўра туз.

Тайёрлаш усули:
карам майда қилиб
тўғралади, туз сепиладди,
сўнгра сомонча қилиб
тўғралган сабзи қўшиб
аралаштирилади. Устига
ўсимлик ёғи қўшиб ли-
копчаларга солинади.
Майда тўғралган кўк
пиёз сепиб безатиш
мумкин.

“Тошвилтранстерминал” уюшмасига қарашли 74-Тўйтапа автокорхонаси жамоаси корхона бошқаруви раиси Олим Султоновга падари бузруквори

ТУРҒУНБОЙ
ОТАНИНГ
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирди.

Билд 6

КҮЙГАН ЯХШИ

Эман шохининг кули сичқон инига сепилса, улар қочади ва бир-бирини ўлдиради.

Агар эрак сичқонни тутиб, думини кесган ҳолда кўйиб юборилса, бошқалари ҳам маконини ташлаб, тумтарақай қочади.

Сувараклар додини берадиган безарар восита дорихоналардаги чопонтелпак (ромашка долматская) гуллари кукуни ҳисобланади. Бунинг учун сувараклар яшайдиган майдончага бир квадрат метр ҳисобига 20 грамм чопонтелпак гули кукуни босқонча воситасида пуркалади.

Мавсум ҳазилли

НАСРД,
ЛУЛИ,
-РАСТРИТ,
АДЕНОМА,
ШАМОМАШ,
ПРОСТАТИТ,
ОШКОЗОН,
ИЧАК,
КАСАМ,
ДОШЕИ,
ОРМИН,
БИЛАН,
ХЕЧ,
КАЧОН,
ОБИРМАЙСКИ.

Хусан СОДИКОВ чизган расм.

Хусан СОДИҚОВ чизган расм.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ **ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА**
Муассис:
ТОШКЕНТ ВИДОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОХИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими:
236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03,
236-53-54.

Манзилимиз:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот
бошқармаси томонидан 2006 йил 18 декабрд
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти
компьютер марказида терилди ва
саҳифаланди.

Нашр учун масъул
Файрат ШЕРАЛИЕВ
(Бош муҳаррир биринчи ўринбосари)

Навбатчи муҳаррир
Жўра САЪДУЛЛАЕВ
Навбатчи
Мунаввара ИСОКУЛОВА